

3/2023,
may-iyun
(№ 00065)



ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Юлдашев Абдухаким Абдукаримович

*ТДИУ Бизнес бошқаруви ва логистика кафедраси доценти в.б., PhD.
Тошкент, Ўзбекистан. ayuldashev@tsue.uz
ORCID ID : <https://orcid.org/0000-0003-3691-9767>*

Аралов Камрон Нуриддинович

*ТДИУ “Халқаро туризм” факультети 3-босқич талабаси. Тошкент,
Ўзбекистан. aralovkamron8@gmail.com
DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss3/i46*

Аннотация

Мазкур мақолада туризм соҳасини ривожланган давлатлар иқтисодиётида тутган ўрни, ялпи ички маҳсулотдаги улуши, Испания ва Туркия давлатларида туризмнинг ривожланиш ҳолатига тавсиф берилган. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, охириги йилларда ташриф буюрган сайёҳлар сони ва олинган даромадлар, соҳадаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган. Ўзбекистонда туризм турларини ривожлантириш, сайёҳларга туризм хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: туризм, турпакет, экотуризм, зиёрат туризми, туризм саноати, сайёҳ, транзит виза, меҳмонхона хизмати, электрон платформа, маркетинг, реклама.

РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ КАК ФАКТОР ПОДЪЕМА НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ

Юлдашев Абдухаким Абдукаримович

и.о. доцент кафедры Бизнес управление и логистика ТГЭУ. Ташкент, Узбекистан.

Аралов Камрон Нуриддинович

Студент 3 курса факультета «Международный туризм» ТГЭУ. Ташкент, Узбекистан.

Аннотация: В данной статье описывается роль туристического сектора в экономике развитых стран, его доля в валовом внутреннем продукте, а также состояние развития туризма в Испании и Турции. Кроме того, были проанализированы приоритетные направления развития туризма в Узбекистане, количество туристов, посетивших за последние годы и получивших доход, существующие проблемы в сфере. Разработаны предложения и рекомендации по развитию видов туризма в Узбекистане и повышению качества туристского обслуживания туристов.

Ключевые слова: туризм, турпакет, экотуризм, паломнический туризм, индустрия туризма, турист, транзитная виза, гостиничный сервис, электронная платформа, маркетинг, реклама.

DEVELOPMENT OF TOURISM IN UZBEKISTAN AS A FACTOR IN THE RISE OF THE NATIONAL ECONOMY

Yuldashev Abdulkhakim Abdulkarimovich

Associate Professor of the Department of Business Management and Logistics, TSUE. Tashkent, Uzbekistan.

Aralov Kamron Nuriddinovich

3rd year student of the Faculty of International Tourism, TSUE. Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

This article describes the role of the tourism sector in the economy of developed countries, its share in the gross domestic product, and the state of development of tourism in Spain and Turkey. In addition, the priority areas of tourism development in Uzbekistan, the number of tourists visited in recent years and received income, existing problems in the field were analyzed. Proposals and recommendations have been developed for the development of tourism types in Uzbekistan and the improvement of the quality of tourism services for tourists.

Keywords: tourism, tour package, ecotourism, pilgrimage tourism, tourism industry, tourist, transit visa, hotel service, electronic platform, marketing, advertising.

Кириш

Бугунги кунда жаҳоннинг етакчи давлатлари туризм соҳасини ривожлантириш орқали ўзларининг иқтисодийтини барқарорлигини таъминлаб бормоқда. Шу билан бир қаторда туризм соҳасидан келаётган даромаднинг ялпи ички маҳсулот улушида ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Бутунжаҳон туризм ва саёҳат кенгаши (WTTC) маълумотларига кўра, глобал миқёсда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10,4 фоиз улуши туризм соҳасига тўғри келмоқда (2022 йил якунлари бўйича жаҳонда 100 трлн. АҚШ доллари қийматида ялпи ички маҳсулот яратилган, шундан туризм соҳасининг улуши 10,4 трлн. долларни ташкил этган). Мазкур кўрсаткич 2019 йилда 10,3 фоизни, 2020 йилда 5,3 фоизни (пандемия сабабли деярли барча давлатлар ўз чегараларини ёпишган эди), 2021 йилда 6,1 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистонда туризмни, шунингдек, транспорт, ахборот-коммуникация, жумладан дастурий таъминотлар ва бошқа хизматлар экспортини яқин йилларда 1,7 бараварга ошириш ёки 4,3 миллиард АҚШ долларига етказиш каби бир қатор вазифалар ҳам белгилаб берилган [1].

Шу билан бир қаторда, Туркий дунё доирасида “Табаррук зиёрат” туризм концепциясига кўра, зиёрат ва маданий мерос объектларига турларни ташкил қилиш ва янги саёҳат маршрутларини ишлаб чиқиш, зиёрат ва маданий-тарихий туризм доирасида мунтазам тарғибот тадбирларини ташкил этиб бориш, ўзаро ҳамкорлик орқали “Табаррук зиёрат” брендини яратиш ва тарғиб қилиш каби қатор вазифалар белгилаб олинди [2].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Туризмни ривожлантиришнинг миллий иқтисодийтни янада юксалтириш омили масалалари бир қатор олимлар ҳамда мутахассис-тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилмоқда.

Тадқиқотчи олимлардан А.М.Гудратли туризмнинг мамлакат иқтисодийтига таъсирини ижобий баҳолаб, туризм соҳаси миллий даромадни кўпайтириш; янги иш ўринларини яратиш; туристик хизматларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча тармоқларни ривожлантириш; туристик марказларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш

инфратузулмасини ривожлантириш; халқ ҳунармандчилиги ва маданият марказлари фаолиятини фаоллаштириш; аҳоли турмуш даражаси ошишини таъминлаш; валюта тушумларини кўпайтиришга ёрдам беришини таъкидлайди [3].

П.М. Вукадинович туризмнинг нафақат ижобий, балки салбий ижтимоий-иқтисодий самаралари ҳам борлигини таъкидлаб, туризмнинг қуйидаги салбий таъсирларини ажратиб кўрсатади: туризмга иқтисодиётига боғлиқлик; маҳаллий аҳоли учун кундалик товар ва хизматларнинг қимматлашиши; туризм бозорида трансмиллий компанияларнинг устунлиги; иш билан боғлиқ циклларнинг сезувчанлиги ва ишга доир муносабатларнинг ўзгариши; миллий анъаналар ва қадриятларга путур етиши ва бошқалар [4].

М.М. Романов туризм ва меҳмонхона сектори иштирокчиларнинг иқтисодий манфаатларини кучайтириш масалаларини тадқиқ қилиб, иқтисодиётни ривожлантиришда туризм саноати муҳим омил ҳисобланиши, туризмни ривожлантиришда меҳнат омили, яъни соҳада хизмат кўрсатувчи персоналларни ўқитиш ва малакасини ошириш лозим деб ҳисоблайди. Бугунги кунда туризм соҳаси ривожланган кўплаб давлатларда сайёҳларга хизмат кўрсатадиган кадрларни қайта тайёрлаш бўйича ўқув марказлари ва муассасалари фаолият олиб боради [5]. Ушбу олимларнинг илмий тадқиқотларида туризм мамлакат иқтисодиётига таъсири, салбий жиҳатлари ва туризмни ривожлантиришда меҳнат омили масалалари тадқиқ этилган. Туризм ривожлантириш орқали миллий иқтисодиётни ривожлантириш масалалари, улар ўртасида боғлиқлик ва мамлакатда туризм соҳасини ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар етарли даражада ўрганилмаган. Юқорида келтирилган далиллар мазкур тадқиқот йўналишларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқот томонидан қўлланилган методология мавзуга оид адабиётларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилишга асосланди. Бунда интеграциялашган адабиётларни кўриб чиқиш усулидан фойдаландик. Тадқиқот давомида туризм соҳасини республика иқтисодиётдаги улушини ошириш борасида олдин олиб борилган ва ҳозирда олиб борилаётган тадқиқотлар ўрганилди. Ушбу соҳани ўрганишга бағишланган маърузалар, конференция материаллари, Интернет нашрлари ва журналлар, шунингдек мавзу бўйича янги адабиётлар ва истиқболли лойиҳа маълумотлари ўрганилиб, таҳлил, синтез, танқидий фикрлаш, умумлаштириш каби усуллар қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар

Халқаро туризм 2021 йилда 4 фоизга ўсди, аммо пандемиядан олдинги даражадан 72 фоизга камроқни ташкил этган (2020 йилга нисбатан бир кунда 15 миллионга яқин халқаро сайёҳлар) [6].

Вакцинация ставкаларининг ошиши трансчегаравий мувофиқлаштириш ва протоколларнинг кучайиши сабабли юмшоқ саёҳат чекловлари билан биргаликда 2021 йилда пасайган талабни камайитиришга ёрдам берди.

Пандемиядан сўнг халқаро туризм тикланиб бораётган бўлсада, ички туризм ҳам тобора кўпайиб бораётган йўналишларда мазкур соҳанинг ривожланишига ёрдам бермоқда. Ички саёҳатлар уйга яқинроқ ва аҳоли зичлиги паст бўлган йўналишларга бўлган талабдан келиб чиқади, чунки сайёҳлар очиқ ҳавода дам олиш ва табиатга асосланган қишлоқ туризмни излайдилар.

Бугунги кунда Европа давлатлари ичида Испания ва Франция туризми ривожланган давлатлар ичида етакчилик қилмоқда. “Exceltur” қироллигининг йирик сайёҳлик ассоциациясининг маълумотиغا кўра, Испаниянинг ялпи ички маҳсулотигадаги туризм улуши 2022 йилда коронавирустан олдинги даражага қайтган.

2022 йилда Испаниянинг туризм фаоллиги тўлиқ тикланиб, туризмдан келган даромад 159 миллиард еврога етган ва бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 1,4 фоизга кўп бўлган. Туризм сектори 2021 йилга нисбатан Испания иқтисодиёти ўсишининг 61 фоизини таъминлаган, яъни туризм саноатининг иқтисодиётга қўшган ҳиссаси 2019 йилдаги 12,2 фоиздан 12,6 фоизга ошган [8].

2021 йилда Испанияга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони 31,1 миллион кишини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 64,4 фоизга кўп бўлган. Халқаро меҳмонларнинг харажатлари 34,8 миллиард еврога етган, бу 2020 йилга нисбатан 76 фоизга кўп, аммо 2019 йилга нисбатан 62,1 фоизга кам [9].

Ўзбекистонда эса охириги йилларда туризмнинг қўйидаги турларини ривожлантиришга ҳукумат томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, қўриқхоналар, миллий боғлар, питомниклар, табиат ёдгорликлари, биосфера резерватининг мавжудлиги экотуризмни жуда истиқболли йўналишга айлантирилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда зиёрат туризми, геотуризм, тиббий туризм, шунингдек, алпинизм ва рафтинг ривожланиб бормоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 35-мақсадида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 9 миллион нафарга етказиш вазифаси белгилаб берилди.

Ўзбекистон туризмдан тушадиган даромад 2021 йилга нисбатан қарийб 4 баробар ошиб, 2022 йилда Ўзбекистонга туризм хизматлари экспортдан 1,6 миллиард доллардан ортиқ маблағ тушган, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2 фоизни ташкил этган [7]. Юқорида ривожланган давлатларнинг ялпи ички маҳсулотида туризм улуши 10-12 фоизни ташкил этганлигини айтиб ўтилди. Маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистонда бу кўрсаткич атиги 2 фоизни ташкил этган. Мамлакатимизда туризмдан келадиган даромад кейинги йилларда 10-15 фоизга етказилса, бу кўрсаткич 8-12 млрд. долларни ташкил этади.

Жадвал


2018-2022 йилларда Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сони хорижий давлатлар кесимида (киши) [11]

т/р	Давлатлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йилда 2018 йилга нисбатан, %
1	Қозоғистон	2293077	2261094	424145	565334	1551138	67,6
2	Қирғизистон	1055688	1454907	508019	652166	1356857	128,5
3	Тожикистон	1095505	1473684	337505	288211	1447826	132,1
4	Туркманистон	169922	574795	60631	1156	5968	3,5
5	Афғонистон	44220	62580	20072	34000	3037	6,8
6	Озарбайжон	10465	12367	2213	2890	10403	99,4
7	Арманистон	1409	1740	336	739	1390	98,6
8	Белорус	5609	7411	1632	4254	13635	243,1
9	Молдова	5470	4601	1033	1109	2193	40,0
10	Россия Федерацияси	371529	455470	81592	190493	567725	152,8
11	Бошқа давлатлар	293325	439863	66948	140982	272608	92,9
	Жами ташриф буюрганлар	5346219	6748512	1504126	1881334	5232780	97,8

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2022 йилда ташриф буюрганлар оқими 2018 йилга нисбатан 113439 нафарга камайган. 2022 йилда 2018 йилга нисбатан Ўзбекистонга келган энг кам ташриф буюрганлар сони бўйича Туркменистон (3,5 фоиз) ва Афғонистон (6,8 фоиз) давлатлари эгаллаган бўлса, энг кўп ташриф буюрган давлатлар ичида Беларусь республикаси (243,1 фоиз), Россия Федерацияси (152,8 фоиз), Тожикистон (132,1 фоиз) ва Қирғиз (128,5 фоиз) республикалари етакчи ўринни эгаллашган.

2022 йилда Ўзбекистонга келган туристлар сонини 2018 йилга нисбатан камайганлигини 2019 йилда бошланган COVID-2019 пандемияси таъсири билан боғлаш мумкин. 2022 йилда Беларусь республикаси ва Россия Федерациясидан келганлар сонининг ортишига эса Россия ва Украина ўртасида 2022 йил 24 февралда бошланган уруш оқибатлари билан боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, Марказий Осиё минтақаси давлатлари ичида Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг юқорилиги ва узоқ хорижий давлатларга нисбатан арзонлиги сабабли даволаниш учун қўшни Тожикистон ва Қирғиз республикаларидан ташриф буюраётганлар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Ўзбекистонга энг кўп ташриф буюрган сайёҳлар МДХ мамлакатларига тўғри келади. 2020 йилда Ўзбекистонга 1,5 млн сайёҳ келган бўлса, 2023 йилда эса, 7,0 млн. нафар чет эл фуқаролари ташриф буюриши кутилмоқда (1-расм).




1-расм. Ўзбекистонга охириги йилларда ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони [7]

Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳларнинг сарф этган маблағларини ўртача қийматини қарайдиган бўлсак, 2019 йилда сайёҳлар Ўзбекистон шаҳарларида ўртача 195 долларгача маблағ сарфлаб, 2-3 кун қолишган бўлса, 2022 йилда саёҳатлар давомийлиги 4-5 кунга, сарф-харажатлар эса 305 долларгача ошган. Бу ўз навбатида мамлакат ялпи ички маҳсулотини ҳам ортишига сабаб бўлади.

Ўзбекистонга охириги йилларда сайёҳлар оқими ошишининг асосий сабабларидан бири сифатида мамлакатга киришдаги виза режими соддалаштирилишини киритиш мумкин. 2018 йилдан бошланган хорижий давлатлар

фуқаролари учун кириш визаси бекор бўлган давлатлар сони 2022 йилга келиб 93 тага етди. Шунингдек, 2018 йилдан бошлаб 56 та давлат фуқаролари учун электрон кириш визаларини бериш тизими ишга туширилди, 47 та давлат учун беш кунлик транзит визасиз кириш тартиби белгиланди. 55 ёшга тўлган ва туризм мақсадида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга республикага келувчи ХХР, АҚШ ва Вьетнам фуқаролари учун визасиз кириш режими жорий қилинди.

Сайёҳлар сонининг ортишидаги омиллардан яна бири сифатида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сайёҳлик компаниялари ва ташкилотлари сонининг ортаётганлигини келтириш мумкин (2-расм).




2-расм. Ўзбекистонда ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган сайёҳлик компаниялари ва ташкилотлари сони

2020 йилда республика ҳудудлари бўйича 337 та сайёҳлик компаниялари фаолият юритган бўлса, 2021 йилда улар сони 285 тани ташкил этиб, 52 тага, яъни 84,0 фоизга камайган. Тошкент шаҳрида эса 2020 йилда 229 та сайёҳлик компанияси фаолият олиб борган бўлса, улар сони 2021 йилда 178 тани ташкил этган, яъни 77,7 фоизга қисқарган. Бунга 2020 йилда бошланган пандемия чекловлари, кўплаб сайёҳлик компанияларини даромад қилмаганлиги, кредит тўловларини тўлаш қийинлашганлиги ва хорижий сайёҳларнинг манзилларга тўғридан-тўғри бораётганлиги каби омилларни сабаб сифатида келтириш мумкин.

2022 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 50 млрд. долларга етган, шундан 19,3 млрд. долларини экспорт ташкил этган. Экспорт таркибида туризмнинг жами хизматлардаги улуши охириги йилларда ортиб борган (3-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 22,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 40,7 фоизга етган ёки 1,8 баробарга ортган. Хизматлар кўрсатиш турлари бўйича транспорт хизматлари кўрсатиш, 2022 йилда 2017 йилга нисбатан 64,7 фоизга камайган. Юқорида таъкидлангандек, туризмнинг ривожланиши мамлакат ялпи ички маҳсулотини ортишига, уларга хизмат кўрсатиш турларининг кўпайишига ва янги иш ўринларини яратилишига сабаб бўлиб, аҳолининг иш билан бандлигини ҳам таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.



3-расм. Туризмнинг жами хизматлар экспортидаги улуши, фоизда [7]

Статистик маълумотларга кўра, Қозоғистон, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби давлатлардан Ўзбекистонга ташриф буюрувчилар сони йиллар давомида деярли ўзгармаган бўлса, қолган МДҲ, Яқин Шарқ, Европа мамлакатлари, шунингдек, АҚШ, Бразилия, Колумбия, Австралия, Нигерия, Марокко, Шри-Ланка, Непал каби давлатлардан келган сайёҳлар сони сўнгги 5 йилда бир неча ўн бараварга ошган.

Ўзбекистонда Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз ва Шаҳрисабз шаҳарлари энг кўп хорижий сайёҳ ва меҳмон ташриф буюрадиган ҳудудлардан саналади. Шу сабабдан ушбу шаҳарларга келадиган сайёҳларнинг эҳтиёжларини инобатга олиб, уларга шаҳарлараро сифатли транспорт хизматлари кўрсатиш, меҳмонхоналарни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, жиҳозлаш ҳамда сайёҳлар хоҳиш-истакларини инобатга олиб турли оммавий ва туризм тадбирларини уюштириш, овқатланиш ва логистика хизматлари, кўнгилочар масканларни ташкил этиш, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи савдо дўконлари сонини кўпайтириш лозим бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистонда зиёрат туризмини ҳам ривожлантириш борасида Президентимиз томонидан бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни ижроси борасида тегишли ташкилот ва ҳокимликлар томонидан амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан Индонезия туризм ва креатив иқтисодиёт вазирлиги билан бир қатор муҳим келишувларга эришилди.

2024 йил Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилаётган креатив иқтисодиёт ва туризм халқаро конференциясида ушбу мамлакат делегацияси иштирок этиши маълум қилинди. Шунингдек, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Маҳдуми Аъзам, Ҳожа Аҳрор Валий, Абди Дорун ва Абди Берун мажмуаларига индонезиялик сайёҳлар учун махсус зиёрат турлари жорий қилиш истиқболлари муҳокама қилинди [12].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июлдаги “Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан 2022 йил 3-4 октябрь кунлари Туркий давлатлар ташкилоти котибияти кўмагида Туркистон шаҳрида Ўзбекистон ва Қозоғистон туризм соҳаси учун масъул вазирликлари ҳамда сайёҳлик компаниялари вакиллари иштирокида “Табаррук зиёрат” лойиҳасини амалга ошириш бўйича форум ўтказилди.

Бугунги кунда юртимизда жуда кўплаб диққатга сазовор тарихий қадамжоларни, яъни тарихда ўтган улуғ бобокалонларимиз номига атаб қурилган масжиду-мақбараларни маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг аксарияти билишмайди. Мисол тариқасида, Қашқадарё вилояти Қамаш туманида жойлашган ислом дунёсида “Ишқия тариқати”нинг асосчиларидан бўлган машҳур Ҳазрати Лангар ота зиёратгоҳи,

Китоб туманида Ҳазрати Султон ва Ҳазрати Башир зиёратгоҳларини келтириш мумкин. Ушбу буюк зотлар тарих зарварақларида ўчмас из қолдириб, диний ва дунёвий илмларни ташвиқ қилиш баробарида аҳоли ўртасидаги барқарорлик, тинчлик ҳамда ҳамжиҳатликнинг мувозанатда туришига хизмат қилишган. Исломий маърифат дарғалари – шайхлар ва азиз авлиёлар макон топган ушбу табаррук манзилларда бугунги кун ёшларининг маънавий камолоти учун асқотадиган беназир сабоқларни учратиш мумкин. Шунингдек, Туркий давлатлардан келадиган сайёҳларни ушбу қадамжоларга таклиф этиш орқали маҳаллий аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш имконияти туғилади.

Хулоса ва таклифлар

Сўнгги йилларда мамлакатимизда туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор таҳсинга сазавор ишлар амалга оширилди. Аммо туризм соҳани янада ривожлантириш борасида ҳал қилиниши зарур бўлган бир қатор вазифалар ҳам мавжуд. Хусусан, зиёрат туризмни ривожлантириш учун зарур инфратузилма объектлари - меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, аэропорт ва вокзалларда сайёҳларни кутиш залларининг зиёрат туризми стандартларига жавоб беришини таъминлаш, ахборот ресурсларини жамлаш, мамлакатда мавжуд маънавий ва моддий бойликлар тавсифини умумлаштириш, зиёрат туризми бўйича тўлиқ маълумот берувчи интеграцион электрон платформани яратиш каби муаммоларни бартараф этиш лозим.

Шу билан бирга, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қуйидаги бир қатор муаммоларни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ўзбекистонда сайёҳларни маҳаллий ва халқаро авиаташувлари нархи қўшни давлатларга нисбатан қиммат;

сайёҳларни шаҳарлараро етказишда, мисол учун Самарқанддан Бухоро шаҳрига олиб боришда енгил транспорт хизматлари сифати талаб даражасида эмас, шунингдек, маҳаллий киракашлар томонидан йўл ҳақининг қиммат нарҳда айтилиши;

сайёҳлик жойларида ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмалари суст даражада ривожланган, туристик маршрутлар атрофида овқатланиш ва бошқа инфратузилма объектлари яхши ривожланмаган;

туризм соҳасида хорижий тилларни чуқур биладиган малакали кадрлар ва гидларнинг етишмайди;

Бухоро ва Хива шаҳарларида баҳор ҳамда ёз мавсумида сайёҳлар (ички ва хорижий) сони ортиб кетадиган бўлса, меҳмонхоналарда жойлар етишмайди ва сунъий равишда уларнинг нархи ошириб борилади;

туризмнинг айрим турларини, яъни зиёрат туризми, гастрономик, экотуризм ва спорт туризмни тартибга солиш борасида қоидалар мавжуд эмас;

аэропорт ва темир йўл вокзалларида хорижий сайёҳлар учун қайси шаҳарларда тарихий ва маданий мерос обидалари, зиёратгоҳлар тўғрисида тўлиқ маълумотларни мобиль телефонларига юклаб олиш имкониятлари яратилмаган;

мамлакатимизда мавжуд маданий мерослар, тарихий обидалар ва зиёрат жойларини минтақа ва жаҳон миқёсида тарғиб қилишнинг ривожланмаган ҳамда бошқалар.

Юқорида таъкидланган муаммоларни бартараф этиш ва мамлакатимизда туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

туризм соҳаси ривожланган хорижий давлатларнинг сайёҳларни жалб этиш, уларга сифатли туризм хизматлари кўрсатиш борасидаги тажрибаларни миллийликдан келиб чиққан ҳолда амалиётга жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларини (ҳаво, автомобил, темир йўл) реконструкция қилиш ва чегарадан ўтиш жараёнини энгиллаштириш;

туризм инфратузилмасини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, такомиллаштириб бориш, экотуризм ва зиёрат туризминини қисқа метражли ва сифатли фильмлар орқали тарғиб этиш;

Ўзбекистонга келган ҳар бир хорижий сайёҳга мамлакатимизни диққатга сазавор тарихий ва маданий меросларини, яъни сайёҳларни жалб қиладиган жойларнинг тасвири акс эттирилган фотоальбомли қўлланмаларни текин бериш ва мобиль иловаларига жойлаштиришни йўлга қўйиш;

хориждан келаётган сайёҳларни ўз давлатига қайтиб кетиш вақтида улардан содда ва тушунарли сўровнома ўтказиб, таклифларини ўрганиш орқали янги туризм хизматларини амалиётга жорий этиб бориш;

мамлакатимизда туризм соҳасида фаолият юритмоқчи бўлган тадбиркорларга, айниқса ёшларга имтиёзли кредитларни бериш, шу орқали туризм хизматлари кўрсатишда рақобатни кучайтириш;

меҳмонхоналарда яшаш нархларини арзонлаштириш орқали турпакетлар нархини пасайтириш, чунки турпакетлар қиммат бўлса хориждан келувчи сайёҳлар туризм хизматлари анча арзон бўлган бошқа мамлакатларга боришни афзал кўришади ва бошқалар.

Юқоридаги муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш ва таклиф этилаётган ушбу тадбирларни амалга ошириш орқали мамлакатимизда туризмнинг барча турларини янада ривожлантириш йўллари кучайтириш мумкин бўлади ва туризмдан келадиган даромадларни мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш имконияти ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, ПФ-60-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июлдаги “Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

3. Гудратли А. М. Влияние туризма на национальную экономику // Современная наука: актуальные вопросы, достижения и инновации. – 2020. – С. 50-53.

4. Vukadinović P., Damjanović A., Jovanović Z. Position of tourism in global economy and its impact on GDP, employment and investments // Vojno delo. – 2017. – Т. 69. – №. 4. – С. 263-278.

5. Романова М.М. Факторы, влияющие на развитие индустрии туризма // Концепт. – 2014. – № 02 (февраль). – ART 14036. – 0,3 п. л. – URL: <http://e-koncept.ru/2014/14036.htm>. – Гос. рег. Эл № ФС 77- 49965. – ISSN 2304-120X.

6. <https://www.e-unwto.org/doi/abs/10.18111/wtobarometereng.2022.20.1>.

7. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари, 2023й.

8. <https://www.atorus.ru/news/press-centre/new/42788.html>

9. <https://tass.ru/ekonomika/16818389>

10. <https://www.aa.com.tr/ru>.

11. <http://www.navstat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/8559-ozbekistonga-2022-yilda-qancha-turist-kelgan>

12. https://uza.uz/posts/ziyosat-turizmi-buyuk-allomalar-asarlari-korgazmasi-orqali-targib-qilinmoqda_331558